

Товарларни (максулот) етказиб бериш
20 -Б сонли ШАРТНОМАСИ

Навоий шахри

«11» январь 2022 йил

«Навоий Дори-Дармон» акциядорлик жамияти, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритиладиган номидан Устав асосида иш кўрувчи, бошқарув раиси Г.Р. Орзиев. бир томондан ва

Мавоий ъилотг персонал макаласи,

(Ташкилот, муассаса, корхона, фирманинг ташкилий-хукукий тузилиши ва тулиқ номи)
бундан бўён матнда «Сотиб олувчи» деб аталувчи, номидан Уставга (низом) асосан фаолият кўрсатувчи

Ф.Б Ўағағов

иккинчи томондан

(Раҳбарнинг лавозими ва исми-шарифи, наасби)

кўйидагилар тўғрисида ушбу шартномани тузиши:

1.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. «Сотувчи» «Сотиб олувчи»нинг буюртмаси асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунини амалга ошириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПК-3953-сонли Карорига асосан Ўзбекистон Республикаси Соғликни сақлаш вазирлиги томонидан Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 15.11.2019 й. тасдиқланган “Давлат буюртмачилари томонидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмлар» Руйхатига асосан дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни етказиб бериши, «Сотиб олувчи» эса уларни қабул қилиб олиш ҳамда тўловни амалга оширишни ўз зиммаларига оладилар.
- 1.2. Шартноманинг умумий баҳоси 3638629 (Уз милодон ости юз
жетиз саккиз минт ости юз интифод тўқиҷа) сўм
(ракамлар ва сўз билан шартнома баҳоси кўрсатилиши лозим)
этиб белгиланади, бу суммага транспорт харажатлари кирмайди.

2. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.

МАХСУЛОТ СИФАТИ

- 2.1. «Сотиб олувчи»га Ўзбекистон Республикасида Фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рұксат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган дори воситалари ва тиббиётда қўлланиладиган буюмларни, бундан кейин матнда «Товарлар» деб номланади, етказиб беради.
- 2.2. Товарлар томонларнинг ўзаро келишуви асосида тузилган Спецификация асосида сотилади, ушбу Спецификация шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.
- 2.3 Товарлар, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб олувчи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.
- 2.4. «Сотиб олувчи» «Сотувчи» га етказиб берилган Товарлар хақини ўз вақтида тўлайди.

3.МАХСУЛОТНИ ЖЎНАТИШ ШАРТЛАРИ

- 3.1. «Сотиб олувчи» шартноманинг умумий баҳоси ёки бир ойлик буюртма баҳосининг 30 % туловини олдиндан тўлаб берган кундан бошлаб 5 (беш) иш кунида «Сотиб олувчи»га Товарларни беради.
- 3.2. Товарларни етказиб бериш «Сотувчи» омборидан «Сотиб олувчи»га топшириш йўли билан амалга оширилади. Товарларни топшириш санаси этиб хисоб-фактура (накладной)нинг ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ва имзоланган санаси хисобланади.
- 3.3. «Сотиб олувчи» Товарларни ўз транспортида олиб кетади. Товарларни юклаш ва жўнатиш билан боғлик барча харажатлар «Сотиб олувчи»нинг зиммасига юклатилади.
- 3.4. «Сотиб олувчи» гиёхванд воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорлар сотиб олишда уларнинг муомаласи билан боғлиқ фаолият учун олинган тегишли маҳсус рұксатномалари (лицензия нусхаси ва ички ишлар органининг маҳсус рұксатномаси)ни тақдим этиши шарт. Иш жараёнида, заруриятдан келиб чиқкан ҳолда, тарафларнинг оғзаки келишувига кўра мазкур тоифадаги Товарлар «Сотувчи» нинг транспортида «Сотиб олувчи»нинг манзилига етказиб берилиши ҳам мумкин.

4.ХИСОБ – КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ

- 4.1. «Сотиб олувчи» щартноманинг умумий баҳоси ёки Товарларни бир ойлик буюртма баҳосидан 30 % олдиндан тўлагандан сўнг «Сотувчи» томонидан товарлар берилиши, қолган 70 % суммани «Сотиб олувчи» товарлар олган санадан бошлаб, олган ойининг охирги санасига кадар тўлаб бериши шарт.